

Президент топшириғи ижроси: Сув – текин эмас, уни асраш кундалик ҳаётимизга айланиши керак!



Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 16-17 ноябрь кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи давомида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, сув тежовчи технологияларни жорий этишни кенгайтириш ҳамда оқова сувларининг ортиқча йўқотишларини олдини олиш мақсадида бетонлаш бўйича қатор вазифалар белгилаб берилган.

Мазкур топшириқ ижросига киришилган бўлиб, Термиз туманида оқова сувларининг тупроққа сингиб, исроф бўлишини олдини олиш, йўқотишларни камайтириш мақсадида канал ва ариқларни бетонлаш ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, туманнинг “Намуна Сурхон” ҳудудидаги далаларга боровчи ариқлар ўзанлари бетонланди.

Бу ўз навбатида оқова сувларининг ортиқча исрофини камайтириб, далаларга сифатли ва етарли миқдорда етиб боришини таъминлайди.